


Мавзу 9.

# Сув тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик



## МАВЗУ БУЙИЧА ЎРГАНИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР

- 1.Сув тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик.
- 2.Сув тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилиши
- 3.Сув тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик.
- 4.Давлатнинг сувга эгалик ҳуқуқини чеклаш.
- 5.Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган сув объектларини қайтариб олиш
- 6.Сув олиш тартибини бузганлик учун жарима санкциялари
- 7.Сув тўғрисидаги қонунчиликни бузиш натижасида етказилган зарарни қоплаш
- Зарарлар етказилишида айбдор бўлган мансабдор шахслар ва бошқа ходимларнинг моддий жавобгарлигиуvgа доир халқаро муносабатлар.

# Фойдаланиш учун адабиётлар

- Suv huquqi. Darslik.(prof Usmonov M. Tahriri ostida) T., 2004-219bet.
- Сваков Д.О. Водное право. Учебно-практическое пособие, М., 2007год.
- Ismoilxo'jaev B., Nazarov X. Ekologiya va suv huquqi,T., TIQXMMI-MTU nashryoti, 2021 y.
- Nazarov X. Ekologiya va suv huquqi: ma'muriy huquqbuzarlik va javobgarlik, TIQXMMI-MTU nashryoti, 2022 y.
- Nazarov X. Ekologiya va suv huquqi: ekologik nazorat. TIQXMMI-MTU nashryoti, 2022 y.
- R.Quentin Grafton, Karen Hussey "Water resources planning and management", London 2011, Cambridge University Press p.423
- O'zbekiston Respublikasi Suv xo'jaligini rivojlantirishning 2020-2030 yillarga mo'ljallangan konsepsiyasi. 2020 yil.
- O'zbekiston Respublikasining "Suv va suvdan foydalanish to'g'risida"gi qonuni,1993 yil.
- O'zbekistonning Ichimlik suvi ta'minoti va oqava suvlarni chiqarib yuborish to'g'risida"gi qonun,O'RQ-784, 22iyul, 2022 y.
- O'zbekiston Respublikasi Suv kodeksi ,2023 yil.

## **СУВ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

- **Сув тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилиши.** Сувга доир муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари қоидаларини бажармаслик ёки тегишли равишда бажармаслик сув тўғрисидаги қонунчилик бузилиши ҳисобланади.
- **Сув тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик.** Сув тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.
- **Давлатнинг сувга эгалик ҳуқуқини чеклаш.** Сувдан фойдаланиш ҳуқуқини бошқага бериш ва давлатнинг сувга эгалик ҳуқуқини бошқага ўтказишга ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолатлар ва тартибда йўл қўйилади.
- **Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган сув объектларини қайтариб олиш.** Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган сув объектлари улардан ноқонуний фойдаланиш вақтида сарфланган харажатлар қопланмаган ҳолда, эгасига қайтариб берилади.
- Ноқонуний эгаллаб олиш пайтида сув объектларига зарар етказилган тақдирда, айбдор шахс ўз маблағлари ҳисобидан зарарни қоплаши шарт.

## Сув олиш тартибини бузганлик учун жарима санкциялари.

- **Сувдан фойдаланувчилар** (юридик шахслар)га нисбатан улар томонидан қишлоқ хўжалиги, балиқчилик хўжалиги, саноат, энергетика ва коммунал-маиший эҳтиёжлар учун сув олиш тартиби бузилган тақдирда қуйидаги жарима санкциялари қўлланилади:
- **сувдан фойдаланувчилар** томонидан лимитдан ортиқча сув олинганлиги учун – лимитдан ортиқча олинган ҳар минг куб метр сув учун – белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 фоизи миқдорида;
- **сувдан фойдаланувчилар** томонидан сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозламасдан сув олиш, сув олишга рухсат этилмаган жойлардан, шунингдек, шартнома тузмасдан сув олганлик учун – олинган ҳар минг кубометр сув учун – белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 фоизи миқдорида;



- **Сув олиш тартибини бузганлик учун жарима санкциялари. :**

- сувдан фойдаланувчилар томонидан сувдан махсус фойдаланиш рухсатномасиз сув олганлик ёки сувдан фойдаланганлик учун – олинган ҳар минг кубометр сув учун – белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 фоизи миқдорида;
- сувдан фойдаланувчилар томонидан сувни ўзбошимчалик билан эгаллаб олганлик учун – олинган ҳар минг кубометр сув учун – белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 фоизи миқдорида.
- сувдан фойдаланувчилар томонидан олинган сув тўғрисидаги маълумотлар тақдим этмаганда – олинган ҳар минг кубометр сув учун – белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 фоизи миқдорида;
- Бир йил мобайнида сувдан фойдаланиш тартиби такроран бузилган тақдирда, ушбу бандда кўрсатилган жарима санкциялари ўн баравар миқдорида қўлланилади.
- Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланувчиларга нисбатан лимитдан ортиқча сув олинганлиги учун жарима санкциялари бир йилда икки марта (куз-қиш ва вегетация давлари якунлари бўйича), қолган сув истеъмолчилари учун эса – календарь йил якунлари бўйича бир марта қўлланилади.

# Сув олиш тартибини бузганлик учун жарима санкциялари

- Ўзбошимчалик билан қурилган сув олиш иншоотлари ва очилган сув олиш жойлари ҳамда ўрнатилган сув олиш қурилмаларини (насос станцияси, сифон ва бошқалар) тугатиш ва уни дастлабки ҳолатига келтириш қонунбузувчининг ўзи томонидан ёки унинг маблағи ҳисобига амалга оширилади.
- **Сув олиш тартибини бузганлик учун жарима санкциялари:**
- сув хўжалиги объектларидан сув олишда – Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, ҳудудий бошқармалари ва туманлар бўлимлари томонидан;
- ер усти табиий сув объектларидан сув олишда – Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари томонидан қўлланилади.
- Шунингдек, сувдан фойдаланувчиларга – тадбиркорлик субъектларига нисбатан жарима санкциялари суд томонидан қўлланилади, уларга ҳисобланган жарима санкцияларига эътироз бўлмаса ва жарима санкцияларини ихтиёрий равишда тўлаган ҳолатлар бундан мустасно.
- Коммунал-маиший хўжаликда сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолининг белгиланган тартиби бузилганлиги учун қонунчиликка мувофиқ чоралар кўрилади

- **Сув тўғрисидаги қонунчиликни бузиш натижасида етказилган зарарни қоплаш.**
- Юридик ва жисмоний шахслар сув тўғрисидаги қонунчиликни бузиш натижасида етказилган зарарни қонунчилик ҳужжатларида белгиланадиган миқдорда қоплаши шарт.
- **Зарарлар етказилишида айбдор бўлган мансабдор шахслар ва бошқа ходимларнинг моддий жавобгарлиги.**
- Корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар зарарларни қоплаш билан боғлиқ харажатларнинг сарфлашида айбдор бўлган мансабдор шахслар ва бошқа ходимлар белгиланган тартибда моддий жавобгар бўлади.



- **Жарима санкцияларини қўллашдан тушадиган маблағлардан фойдаланиш:**
- Сув олиш тартибини бузганлик учун жарима санкцияларини қўллашдан тушган пул маблағлари Давлат бюджети, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси ўртасида қонунчиликда белгиланган тартибда тақсимланади.

-

**Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини бузганлик учун маъмурий жарима солишдан тушадиган, шунингдек, сув олиш тартибини бузганлик учун жарима санкциялари маблағлари қуйидаги тартибда тақсимланади:**

30 фоизи – республика бюджетига;

40 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясини ривожлантириш жамғармасига;

30 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармасига.

Ушбу банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида кўрсатиб

## **Сув тўғрисидаги қонунчиликни бузиш натижасида етказилган зарарни қоплаш**

Юридик ва жисмоний шахслар сув тўғрисидаги қонунчиликни бузиш натижасида етказилган зарарни қонунчилик ҳужжатларида белгиланадиган миқдорда қоплаши шарт.

**Зарарлар етказилишида айбдор бўлган мансабдор шахслар ва бошқа ходимларнинг моддий жавобгарлиги**

Корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар зарарларни

ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН  
РАХМАТ